
Яйпандаги маданият маркази мукаммал таъмирланади

Ўзбекистон тумани Яйпан шаҳрида жойлашган 70-сонли маданият маркази мукаммал таъмирланади.

1969 йилда барпо этилган масканни обод ва кўркам этиш тадбирлари Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раислигига 2023 йилнинг 22 декабр куни Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши давомида берилган топшириқлар ижроси доирасида амалга оширилади.

Туман ҳокими Шерзоджон Юлдашев бугун соҳа мутасаддилари билан ушбу марказда бўлиб, бажариладиган таъмирлаш-ободонлаштириш ишларининг дастлабки лойиҳа режасини батафсил муҳокама қилди.

Мутасаддиларга лойиҳани янада мукаммал ишлаб чиқсан ҳолда, тез кунларда бошланадиган мукаммал таъмирлаш ишларини ҳар томонлама сифатли ва муддатидан кечиктирмасдан амалга ошириш юзасидан аниқ вазифалар топширилди.

2024-09-06 19:03:00